

Qishloq hayoti

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 23 OKTYABR, JUMA, 124 (7585) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Қарши-Бешкент-Касби-Косон автомобиль йўлининг 8-13 километрида катта қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 20 та автомашина, 15 та турли русумдаги оғир техникалар кучи билан асосий йўл 9 метрдан 23 метрга кенгайтирилди.



Қўшма корхонанинг фаолиятини янада кенгайтириш йўлида изланишлар олиб бориляпти. Яқинда хорихдан замонавий асбоб-ускуналар келтириш мўлжалланган. Бу эса янги ишчи ўринлари яратилиб, корхона экспорт имкониятларини ҳам юзга келтиради. Натижда Майноқ ёрлиги билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорни тўлдирди.



Куёш мезон буржидан ақрабга ўтди. Ақраб "чаён" деганидир. Яъни, куёшнинг шу номдаги юлдузлар туркумида 21 октябрдан 21 ноябргача бўлган фурсатга айtilди. Ақраб — куз хотимаси. Ақрабнинг асосий белгиси ҳазонрезгидир. Мезон шамолида тилларанг бўлган дарaxт япроқлари тўкила бошлайди.

САНОАТЧИЛАРНИНГ САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАРИ

Бунда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси муҳим аҳамият касб этмоқда



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Барчамизга маълумки, ишлаб чиқариш, қайта иш-лашнинг йўлга қўйилиши ҳомашёга нисбатан икки баравар кўп фойда келтиради. Ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши импорт маҳсулотларни камайтириш баробарида янги иш ўринлари яратилишига имконият яратади, экспорт салоҳиятини оширади.



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат.

Саноатни ривожлантиришга хизмат қилаётган тадбирлардан бири бу — Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидир. Айни пайтда Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да учинчи бор ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давом этмоқда. Унда халқаро стандартларга мос келадиган, импорт ўрнини босувчи янги ишланма, қайта ўлаштирилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Халқаро саноат яр-

маркаси ва Кооперация биржасининг навбатдаги иш кунинда Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, "Ўзбекнефтогаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбек-энерго" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, "Тошкент трактор заводи" ва "Чирчиксельмаш" очик акциядорлик жамиятлари, "Файз" холдинг компанияси тизимидagi корхоналар маҳсулотларининг тақдироти бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоиз-

ки, мазкур ярмарка ва биржага жорий йилда халқаро мақом берилди. Унда Германия, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Польша, Россия, Туркия сингари 46 мамлакатдан 650 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда. Ушбу тадбир ишлаб чиқарувчиларга шарафот яратиб, ички ва ташқи соҳалараро кооперацияни ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлар топиш ҳамда маҳсулотларни етказиб бе-

риш учун шартномалар тузиш имконини беради. Кўрғазмага қўйилган маҳсулотларда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намоёниши иштирокчиларда қизиқиш уйғотмоқда. Илгари хорихдан келтириладиган ушбу маҳсулотлар энди ўзимизда тайёрланаётган тармоқларда ҳамда тармоқ ичида кооперациянинг ривожланишига хизмат қилади.

Анвар ҚУЛМУРОВОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳамда Молия вазирликлари томонидан Осиё тараққиёт банки ва Ислам тараққиёт банки билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг йирик молия институтлари, халқаро ташкилотлар ва кўплаб хорижий компаниялар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Пойтахтимизда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонага хориж сармоясини жалб этишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анқуманда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада юксалтириш борасида амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилаётган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона мамлакатимиз иқтисодий ёнанида юксалтиришга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган "Навоий" вилоятини эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони Навоий вилояти, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш, транспорт-транзит ва иқтисодий инфраструктурани ривожлантириш, юқори технологияларни жорий этиш, хориж инвестицияларини жалб қилишда муҳим омили бўлмоқда. Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўшма иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш борасида муҳим аҳамият касб этди. Мазкур фармон юқори юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу зонадаги қўшма маъмул логистика маркази МДҲда ягона бўлиб, у ерда юқар тизимлик билан туширилади ва ортала, тақсимланади, махсус оморларга жойлаштирилади. Осиёдан Европада, Европадан Осиёга жўнатиладиган юқар глобал юк ташими тармоғининг муҳим бўлишига айланадиган ана шу марказдан ўтади. Мазкур эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши — замонавий асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат. Мазкур ҳудудда электротехника ва электрон маҳсулотларнинг кенг номенклатураси, машинасозлик, автомобиль саноати бутловчи қисмлар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни мазкур зона ҳудудида хорижий валютада амалга оширишга рухсат этилган. Бугунги кунгача "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада саноат корхоналари ташкил этиш бўйича умумий ҳажми 187 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 битим имзоланди. Мазкур лойиҳалар доирасида ташкил этиладиган корхоналар тўлиқ ишга тушганидан сўнг улар томонидан йилга 375,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва унинг қарийб ярми экспорт қилинади. 2010 йилда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада 50 лойиҳа ўлаштирилиши режалаштирилган. Анқуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Э.Ғаниев, иқтисодий вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова, "Узинфонинвест" агентлиги директори Б.Эрмав, Хусусий бизнес ислом корпорацияси бош бошқарувчиси ва ижрочи директори Холид Ал-Абдуий (Ислам тараққиёт банки), Молия гуруҳи ва кўптомонлама сармояларни кафолатлаш бўйича таваккалчиликчи бошқарув агентлигининг директори Кевин Лу (Жаҳон банки), "Egave Cs limited" компанияси бошқарувчи директори, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонадаги лойиҳа иштирокчиси Ким Хонг Док (Жанубий Корея) ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожланишида мамлакатда хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай сармоявий муҳит, кенг имконият ва имтиёзлар муҳим омили бўлиб қолгани алоҳида таъкидладилар. (Давоми 3-саҳифада)

Кўннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда "Буюк ипак йўли туризми" XV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси якунланди. "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда 25 мамлакатдан икки юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этди.

► Чирчик шаҳрида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг иқтисодлаштирилган кўрғазмаси якунланди.

► Қўнғирот туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Устюрт" ширкат хўжалигида чорвадорлар ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирокида туячиликни ривожлантириш, минтақада озуқа захирасини кўпайтириш, яйловларни кенгайтириш масалаларига бағишланган семинар-кеңаш бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Кегайли туманидаги "Кегайли" қишлоқ врачлик пунктига Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан беш миллион сўмлик аяқин 30 турдаги дори-дармонлар етказиб берилди. — У экологик ҳаракат томонидан амалга оширилган ижтимоий лойиҳа доирасидадир. Унга кўра, ушбу қишлоқ врачлик пункти ортиқча олинган, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати Корақалпоғистон Республикаси ижроия қўмитасининг раиси Нурия Айтжанова. — Жорий йилнинг июнь ойида қишлоқ врачлик пунктига жами 22 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуна-

Хабар

лар топширилиб, бугунги кунда ҳудуд аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, лойиҳа доирасида Амударё туманида иккита фермер хўжалигида экинларни томчиллаш сўғориш технологияси жорий этилди. Фермерларга қарийб 11 миллион сўмлик томчилаб сўғориш тармоғидан фойдаланиш учун ишлатиладиган замонавий ускуналар топширилди. Ушбу технологиядан фойдаланиш натижасида 60 фоизгача сувни тежаб қолиш имконияти вуқудга келди. Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Корақалпоғистон Республикаси

"Республикадаги энг яхши қишлоқ" кўрик-танлови давом этмоқда

ГУЛБУЛОҚ — ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ГОЛИБИ

қифасини ўзгартириш, коммуникацион-муҳандислик тармоқларини яхшилаш ва ободонлаштириш борасида эришилган натижалар кўрик-танлов низомига мувофиқ баҳоланиб, энг яхшилар саралаб олинди. Барча кўрсаткичлар бўйича Баҳмал туманидаги Гулбулоқ қишлоғи биринчи ўринга муносиб топилди. Вилоят марказидан олисда жойлашган Гулбулоқнинг "Вилоятдаги энг яхши қишлоқ" дея эътироф этилиши бежиз эмас. 15 мингдан зиёд аҳоли истикомат қиладиган, хушманзара бу қишлоқ тобора обод бўлиб, чирой очиб бораётган масканлардан биридир. Сўнгги йилларда бу ерда катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқларни комплекс ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун қилинаётган ишлар самарасини қишлоғимиз мисолида яққол кўриш мумкин, — дейди "Гулбулоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бўрибой Тошпўлатов. — Қишлоғимиз мактаби тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий билим даргоҳига айлантирилди. Утган йили қуриб битказилган педагогика йўналишидаги касб-хўнар коллежида 200 нафардан зиёд йигит-қиз билим олмақда. Қишлоқ гузари, замонавий қишлоқ врачлик пункти, савдо дўконлари ва маиший шохоб-чалар аҳолига сифатли хизмат кўрсатаётди. Бу йил Мустақиллик байрами арафасида қишлоғимизда янги стадион фойдаланишга топширилди. Бу ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари, баркамол вояга етишлари учун қилинаётган жайри ишлардан бири бўлди. Кўрик-танловда кейинги ўринларни Зомин туманидаги Қизилой, Жиззах туманидаги Тошкентлик қишлоқлари эгаллади. Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири. Жиззах вилояти

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета тахририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан вақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик қарточка орқали амалга оширилади. **БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:** "Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргалликда — 144 "Hayot" — 145

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзғоросуғурта", "Ўзвинсаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзғорамашсервис", "Ўзғўштутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агрисаноат ҳодимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Аҳолига қурилиш ва материал

САМАРҚАНДА ЯНГИ ФИШТ ЗАВОДЛАРИ

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида қишлоқ қурилишини архитектуравий режага кўра лойиҳалаштириш, турар-жойлар ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини замонавий қурилиш материалларидан, намунавий лойиҳаларга мувофиқ комплекс равишда қуриш, шу асосда қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида Самарқанд вилоятида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Амалдаги йилнинг ўтган даври давомида Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатётган 32 та пишиқ фишт ишлаб чиқариш корхоналари тўлиқ инвентаризация қилиниб, мазкур заводларни модернизация қилиш дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан 21 та корхона фаолиятини яхшилаш ва уларни замонавий технология билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 2 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфлан-

ди. Шунингдек, пишиқ фишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қувватлари барпо этиш мақсадида ишлаб чиқилган дастурга кўра 2011 йилга қўшимча равишда яна 16 та муқobil ёқилги асосида фаолият юритадиган корхона фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг ўзига 9 та янги завод ишга туширилиши режалаштирилган эди. Айни вақтга қадар 5 та корхона ўз фаолиятини бошлади. Ана шулардан бири

Пастдаргом туманининг Чимбой қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган "Ўзбек-Хенон Индустрия" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасидир. Соатига 10 минг донагача фишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада 60 нафар киши учун янги иш ўрни яратилди. Шу тумандаги "Давр" хусусий ишлаб чиқариш фирмасига қарашли корхонага замонавий технология ўрнатилди ва бу корхонада ҳам шу кунларда қишлоқ аҳолиси уй-жойлар қурилиши учун сифатли пишиқ фишт ишлаб чиқарилмоқда. Пахтачи туманининг Ражаб Амин маҳалласи худудида "Пахтачи сўт" агрофирмасига қарашли янги фишт заводи фаолият бошлади. Лойиҳа қиймати 315,6 миллион сўм бўлган мазкур корхонага соатига 8-10 минг дона фишт ишлаб чиқаришга Хитой технологияси ўрнатилган. Айни пайтда бу ерда суткасига 50 минг дона

фиштни пиширадиган замонавий хумдон печи ҳам қурилмоқда. Ушбу заводнинг йиллик қуввати 2,8 миллион дона пишиқ фишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шунингдек, мазкур маҳалла худудида "Алишер" хусусий фирмасига қарашли яна бир пишиқ фишт ишлаб чиқариш заводи иш бошлади. Бу ерда ҳам Хитой давлатининг "Баошин" компаниясининг замонавий фишт тайёрлаш технологияси ишлаб турибди. Эътиборли жиҳати шундаки, янгидан фаолият юритаётган ушбу корхоналарнинг барчаси кўмир ёқилгиси асосида фишт пиширишга мўлжалланган. Бу эса маҳсулотнинг мустаҳкамлиги ва сифатини оширади. Президентимизнинг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан мах-

сус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергияни тежайдиган технологиялар асосида пишиқ фишт ишлаб чиқарувчи корхоналар 2009 йилнинг 1 июлидан 2012 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмалардан озод этилган. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархининг арзон бўлишини таъминлаб, корхона фаолиятини жадал суръатларда ривожланишига хизмат қилади. Қувончлиси шундаки, янгидан иш бошлаган ушбу корхоналарда 600 нафарга яқин қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Йил якунига қадар яна 4 та пишиқ фишт ишлаб чиқарадиган корхона ишга тушириш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мавжуд корхоналар томонидан 141 миллион дона сифатли пишиқ фишт ишлаб чиқарилганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд вилояти

Карор ва ижро

КЎҚИМБОЙДА ҚУЛАЙ УЙ-ЖОЙЛАР БУГУНАГА 20 ТА ЗАМОНАВИЙ ТУРАР-ЖОЙ БАРПО ЭТИЛДИ

Республикаимиз Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлиги йўлидаги дадил оқимлардан бири бўлди. Айниқса, Юртовши-мизнинг Наманган вилоятига ташириши бу борадаги ишлар қўламининг янада кенгроқ қулоч ёйишига омили бўлди. Қисқа вақт ичида вилоят маркази Наманган шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб, ўзгача чирой ва қиёфа касб этмоқда. Ободончилик ишлари нафақат Наманган шаҳри, балки чекка қишлоқ ва туманларда ҳам амалга оширилмоқда.

— Кўқимбой қишлоғи "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига кўра олиб борилаётган ишлар боис обод масканлардан бирига айланди. — дейди Қосонсой тумани бosh меъмори Хамиджон Омонбоев.

Мазкур қишлоқнинг Навбахор маҳалласида 20 та бир ва икки қаватли замонавий турар-жой бинолари қад ростлади. Қурилиш ишлари босқичма-босқич давом этиб, келажакда бу ерда 165 та кўркам ва шинам иморатлар бунёд этилиб, ўз соҳибларига топширилади. Бу уйлар яшаш учун барча қулайликларга эга бўлиши кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу худудда 315 ўринли умумтаълим мактаби, 140 нафар кичкинтойга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси, 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти, икхита маҳалла гузарни, минимаркет, хаммом, бозорча, қандолатчилик цехи, маҳалла фуқаролар йиғини учун маъмурий бино барпо этилади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Наманган вилояти

Фуқаролар йиғинларида

"Маҳалла" жамғармаси туман бўлини ва жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг иш режасидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг тегишли бандларини бажариш бўйича ҳам қатор тадбирлар ўрин олган.

ЧАККАШОЛИКОР ОБОДЛИГИ УЧУН ТАҚДИРЛАНДИ

Йил бошидан буён алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ва фуқаролар йиғинларида "Огоҳлик — давр талаби", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Маҳалла — умумий уйимиз" мавзуларида юзлаб учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бориш мақсадида туман бўйича 22 та тарғиботчилар гуруҳи тузилган бўлиб, 32 та "Маънавий хоналари" фаолият кўрсатмоқда. Миллий урф-одатларимизни тарғиб қилган ҳолда Наврўз байрами муносабати билан "Халқ уйинлари" фестивали ўтказилди ва унда 56 та маҳалладан 17 минг нафардан ортик фуқаро иштирок этди.

Иш фаолиятимизнинг асосий йўналишини ёшлар тарбиясига, уларни баркамол авлод бўлиб етиштиришга қаратмоқдамиз. Ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда янги ўқув йилида мактабдаги дарсларга тўлиқ қатнолмаётган ўқувчиларнинг уй шароитлари ўрганилган. Кўп фарзандли оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш борасида фуқаролар йиғинлари мутасаддиларига тавсиялар берилди. "Маҳалла" жамғармаси томонидан армия сафига қақарилиш муддати яқинлашиб қолган ёшлар иштирокида Ватанга муҳаббат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги давра суҳбатлари ўтказилиб, бу тадбирларга 260 нафардан зиёд йигит жалб этилди. Шунингдек, коллеж битирувчиларидан ва вақтинча ишламаётган ёшлардан 24 нафари, Куролли кучлар сафидаги ҳарбий хизматдан бўшган ёшлардан 28 нафари касаначилик ҳаракатини кенгайтириш воситасида иш билан таъминланди. Қишлоқлардаги ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида кам таъминланган оилалар рўйхати тузилиб, шунга кўра Мергановул маҳалласида яшовчи Анвар Олламов оиласига 300 минг сўм, Қози-Қорабой маҳалласида яшовчи Бекзод Худойбергеновнинг никоҳ тўйини ўтказиш учун бўлима ҳисобидан 200 минг сўм маблағ ажратилди. 550 нафар боқувчисини йўқотган ва никоҳи бекор бўлган оилалар рўйхатга олинди, уларга ҳам жамғарма томонидан 350 минг сўмлик, хомийлик маблағлари ҳисобидан эса 200 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Яқинда Чаккашликор қишлоқ фуқаролар йиғини аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ободончилик ва кўжаламзорлаштириш ишлари, тўй ва маросимларни аъналарга риоя қилган ҳолда тартибли ва камчилик қилиб ўтказиш каби намунали ишларни йўлга қўйганлиги учун "Маҳалла" жамғармаси туман бўлини томонидан 1 миллион 200 минг сўмлик компьютер жамламаси билан тақдирланди.

Баҳодир БОБОНИЁЗОВ, "Маҳалла" жамғармаси Урганч тумани бўлини раиси.

Хоразм вилояти

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ — ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИ ИФОДАСИ



Бунёдкорлик

ЙЎЛИ КЕНГНИНГ ИШИ ЎНГ

Қарши-Бешкент-Қасби-Қосон автомобиль йўлининг 8-13 километрида катта қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 20 та автомашина, 15 та турли русумдаги оғир техникалар кучи билан асосий йўл 9 метрдан 23 метрга кенгайтирилди. Бунинг учун саккиз сантиметр қалинликда йирик донали, юқори қатламга эса беш сантиметр майда донали асфальт бетон ётқизилди. 222 дона ёритиш чироқ устунлари, 200 дона бетон белгилар ўрнатилди. 3576 та лоток ариқчалар қўйилди. Замонавий тилда еттита бекат барпо этилди.

— Таъмирлаш ишларида Европа ва Осиёдаги ривожланган давлатлар тажрибасидан кенг фойдаландик. Айниқса, Германия, Франция, Англия, Россия ва Япония давлатларида тўпланган илғор техника ва технологиялардан фойдаландик, — дейди жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль

йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори Нормурод Йўлдошев. — "Қашқадарёкомплекс" лойиҳа-қидирув экспедицияси томонидан тайёрланган лойиҳа асосида ишни ташкил этдик. Ўтган бир йилдан ортиқроқ вақт ичида тўрт миллиард 190 миллион сўмлик иш бажарилди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Қашқадарё вилояти

"АГРОБАНК" КРЕДИТИ БИЛАН ФЕРМЕР КОРХОНАЛИ БЎЛДИ

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ихчам, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишни қўлайлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бухоро тумани "Янги турмуш" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги чорвачиликка ихтисослашган "Жоникул Саид" фермер хўжалиги қишлоқда сўни қайта ишлаш бўйича ючк завод ишга туширилди. Натқажда ўнга яқин ёшлар мўқим иш ўрнига эга бўлди. Фермер Саид Жоникўлов "Агробанк"дан олган 38 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига кел-

тирган замонавий технология билан жиҳозланган цех қўнига уч ярим тоннагача сўни қайта ишлаш қувватига эга. Ишлаб чиқарилаётган қаймоқ, бринза, қатиқ, сарийё каби ўн турга яқин маҳсулотлар шартнома асосида Бухоро ва Қоровулбозор шаҳарларидаги савдо дўконларига, тиббиёт муассасалари ва санаторийларга етказиб берилаётди. — Хўжалигимиз ихтиёридаги 150 бosh насли корамолнинг 65 таси соғин сизирлардир, — дейди Саид Жоникўлов. — Улардан ҳар кун ўртача 17-20 литрдан сўт соғиб олиниб, қайта ишланмоқда. Бундан ташқари, бошқа фермер ҳамда деҳқон хўжалиқларидан 600-700 литр сўт келтирилади.

Зарифа КОМИЛОВА

Бухоро вилояти

Бундан ўн етти йилча бурун Дўстлик туманидаги М.Дадажонов номли СФУ худудида 10 гектар ер олиб, ўзининг деҳқон хўжалигини ташкил этган Толибжон Шербеков кўнларнинг бирини даласига 12 бosh швед зотли малла сизирларни ҳайдаб келиб қолганида, унинг ака-ука, қариндошлари ҳайрон бўлиб қолишгани. Айниқса, ақаси Амриддиннинг фиғони фалакка чиқди.

— Хой, бола! Сен ўзи ўйлаб иш қилсанми? Бу молларни қаерда боқсан? Уларни тўйгазиш қанчалик қийинлигини биласанми? Лоақал «Совхоз фермаси нега тарқатилди», деб ўз-ўзинга савол бермадингми? Мен сенга айтсам, битта ферма моллари учун директор, касасабу ошмавлари раисидан тортиб, ферманинг раҳбар-ю ўнлаб сизир соғувчи ва молбоқарларгача овора бўлишиб ҳам эплай олмаганларидан шундай бўляпти. Бу моллар шунчалик ўзраки, биттасини тўйгазиш учун кун бўйи бир одам тинимсиз ўт ўриб, устига-устак қишлоқ учун ҳам ҳар кун 200 килодан хашак жамғариши керак. Ҳар қандай юмушини ўзига яраша ташвиши бўлади. Шундай пайларда туман ва СФУ раҳбарлари хол сўраб туришибди. Хозир еримизни 25 гектарга етказдик. Молларнинг тўёқ сони 56 бoshга етган. Наслини бузмадик. Орада ҳар

олдим. Мени чўчитгандан кўра, «Омадингни берсин-да, сизирларинг ўзидан кўпайиб, давлатнинг ортин» деб яхши тилак қилинг... Ўшанда Толибжон узокни кўриб иш тутган экан. Дарҳақиқат, ният қилганидай бўлди. Кўк-ламга чиқиб, саккиз гунажин саккизта бузоқ туғди. Буқачалари дурқун хўжайларга айланди. — Яхши ният билан чорвачилик фермамни «Тараққиёт» деб атагандим, — дейди Толиб Шербеков биз билан суҳбатда. — Мана, йил сайин тараққий этиб келяпмиз. Ҳар қандай юмушини ўзига яраша ташвиши бўлади. Шундай пайларда туман ва СФУ раҳбарлари хол сўраб туришибди. Хозир еримизни 25 гектарга етказдик. Молларнинг тўёқ сони 56 бoshга етган. Наслини бузмадик. Орада ҳар



Йили 3-4 бoshдан гунажин ва буқачалар сотамиз. Кейинги уч йил ичида эҳтиёжманд, кам таъминланган олти оилага биттадан гунажин ҳада этдик. Хозир фермада ишлаётган саккиз ишчининг

Қишга тайёرمисиз?

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июнда қабул қилинган республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид қарори ижроси юзасидан жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг «Чинозтумангаз» филиали жамоаси ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрди. Айни пайтда мазкур филиал тумандаги 19 мингдан ортик истеъмолчи хизмат кўрсатиб келмоқда. Қиш кунларида истеъмолчиларни узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида мавжуд 400 газ тарқатиш нуқтаси, 2,2 километр газ қувури, мўрилар тўлиқ таъмирдан чиқарилди, уч километр газ қувурлари реконструкция қилинди. Шунингдек, тумандаги «Эски Тошкент» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида 5,5 километр узунликдаги газ қувурлари тортилиб, 2,5 минг хонадон газ билан таъминланди. — Филиалимиз тасарруфидидаги газ тарқатиш нуқтаси мукамал таъмирдан чиқарилди, — дейди «Чинозтумангаз» филиали раҳбари Комилжон Қудратов. — Аҳолига узлуксиз табиий газ етказиб беришда ва уни иқтисод қилишда газ ҳисоблагичлар мўқим ўрин тутди. Ана шу мақсадда корхоналар, ташкилотлар ва хонадонларга шу кунгача 18 мингга яқин замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири

Тошкент вилояти

ОЛИС ОВУЛЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ҚВПЛАР

Истиқлол йилларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан ўзгарди. Энг чека қишлоқ ва овуллада ҳам замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган врачлик пунктлари қад ростлади. Бу жараёнда Президентимиз раҳномалигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мўқим омили бўлаётди. Мухбиримизнинг Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирни Отажон ҲАМРОЕВ билан суҳбати шу мавзуда бўлди.

— Аввало Оролбўйи худудининг жуғрофий шароити хусусида алоҳида тўхталиш зарур, — дейди Отажон Ҳамроев. — Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимиз худудининг салкам қирқ фоизини ташкил қилади. Аҳоли яшаш пунктлари эса тарқоқ, Масалан, қорақўлчилик билан шуғулланадиган айрим ширкат хўжалиқлари марказлари 350-400 километр узокликда, Қизилқум ва Устурт саҳросида жойлашган. Орол денгизи акваторияси ва Устуртда меҳнат қилаётган геологлар шаҳарчалари ҳам худди шундай, марказ-

дан анча олисда. Шу боис вазирилик тасарруфидидаги 241 та тиббий даволаш масканларининг 183 таси қишлоқ врачлик пунктлари ҳисобланади. Уларнинг барчаси малакали кадрлар билан таъминланган. Овулладаги шифохоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доимо эътибор қаратилмоқда. Масалан, яқинда Қорақалпоғистон Республикаси шовилин тез тиббий ёрдам марказининг Нўкус филиалига 303 минг АҚШ доллари миқдорида махсус асбоб-ускуналар ва автоуловлар олинган бўлса, чекка худудлардаги овул даволаш шифохоналарига 560 минг долларлик 6 та санитар автоуловлари харид қилинди. Улар ўта замонавий рентген-диагностика апаратуралари билан таъминланган. Шунингдек, туманлардаги бирлашган касалхоналарга 23 та «Тез ёрдам» автомашиналари етказиб берилди. Бу эса шифохоналарда аҳоли саломатлигини кафолатли тарзда муҳофаза қилишда тиббиёт ходимларига қўй қўяпти. Жумладан, «Оналлик ва болалик» дастурини адо этиш, соғлом фарзандни вояга етказиш йўлида мунча юмушлар адо этилиб, ўтган йиллардагидан анча кўп, яъни 700 минг нафар аёл тиббий қуриқдан ўтказилди ва натқажлар тахлил қилиниб, зарур ҳолларда тезкор даволаш ишлари олиб борилди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ суҳбатлашди. Қорақалпоғистон Республикаси

ҚАЛОВИ ВА ҚАРОВИНИ ТОПГАН ЧОРВАДОР

барчасида 1-2 тадан сизир бор. Эндигина иш бошлаганимдаги иккилаш хавотирлар ўтиб кетди. Яхшигина молхона, молбоқарлар учун ётоқхона ва дам олиш хонаси куриб олдик. Трактор ва тиркамаларимиз етарли, ҳатто, хашак ўрадиган қосилкамиз ҳам бор. Ишчилар — Азиз Ботиров, Тўхтамурод Усмонов, Ойбек Абдиев, Шухрат Жамолов, Тоштем Кувондиқовлар «Чорвадорнинг иродаси молининг туғилган-да қаттиқ бўлиши керак», деган нақли қўлқларига қўйиб олишган. Чорвамиз йил сайин кўпайиб, соғин сизирларимиз маҳсулдорлиги ортаётгани уларнинг фидокорона меҳнати самараси. — Нега сизир соғасизлар? — Соғин сизиримиз йиғирма битта. Сўт соғувчилар — она-бола Флорида ва Су-

нера Динисломова ҳамда Муҳаббат Абдурафоровлар ўз ишларида тозалик ва озодалликка ниҳоятда эътибор беришади. Шу кунларда ҳар сизирдан 12-15 литрдан сўт соғиб олинапти. Сўтни соғиб бўлинганок олиб кетадиган ўз миқозларимиз бор. Гулистондаги бир кичик корхона бизга ҳамкор. Бу йилдан бошлаб туманимиздаги «Уста Сафар ота» сўтни қайта ишлаш кичик корхонасига сўт топширишимиз. Ишларимиз юрияпти. Ахир, ота-боболаримиз «Деҳқончилик — бир йилда, чорвачилик — ўн йилда», дейишган-ку. — «Қишлоқ — синов!» деган нақлини ҳам эшитганимизми? — дейман ҳазиломуз. — Албатта! — дея қулиб жавоб қилди чорвадор-тадбиркор. — Эшитганимиз боис ҳам қишлоқ учун озуқа жамғаришни қўлайлаштиришимиз-да. 25 гектар еримизнинг 15 гектариде беда, 7 гектариде ем учун маккажўҳори, 2 гектариде силосбоп экинлар етиштиришимиз. Бедадан уч марта ўриб, 500 тоннадан зиёд пичан бостирдик. Қўшни фермерлар билан келишиб, 300 тоннадан зиёд сомон жамғардик. Мана, маккажўҳори ҳам пишиди. Гектаридан юз бўлмаса ҳам 80-90 центнердан дон, 250 центнердан поя йиғиб-териб олишни чўтлапимиз. Кўкпоялар билан аралаштириб, силос бостирамиз. Энди молбоқар ва ишчиларимизнинг тажрибаси етарли.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Жиззах вилояти

Эътироф

Ота касбини улуглаган кам бўлмас

Чортоқ туманида аҳолига тиббий маънавий талабларга мос равишда йўлга қўйилган десак, мулоҳаза эмас. Чортоқ тиббиёт бирлашмасида 28 та даволаш муассасаси, уларнинг Тошкўрган ва Ҳазратишоҳ қишлоқларида бўлиши, шунингдек, 23 та қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлиб, тумanning 156 мингдан зиёд аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда...

Утган икки йил ичида тумanning Алихон, Бештоп, Ҳар кандай Тўриқ қишлоқларида 3 та врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди. Айни пайтда бирлашмага қарашли барча биналарнинг капитал таъмирлаш ва қайта реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. 2012 йилга қадар яна 6 та КВП биноси қурилиши мўлжалланган.

Кўз ўнгимизда рўй бермаган бундай ижобий ўзгаришлардан жуда хурсандимиз. Албатта, ҳар қандай ислохот ўз соҳасининг жонқуяри, фидойиси бўлган кишиларнинг савий-ҳаракати билан амалга ошади. Чортоқ тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари, йигирма йиллик таърибага эга шифокор Алижон Мақсудов бошчилигида меҳнат қилаётган соҳа ходимлари ана шундай кишилар экани шубҳасиз.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида алоҳида қайд этилган, дейди А.Мақсудов. Айнан ана шу ҳужжат жорий йил бошидан бундан фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда. Қолаверса, шахсан ўзим ота касбининг давомчилиги сифатида шифокорлик фаолиятим билан фаровонлигимизда соҳамиз ривожини унинг амалқилларидан умумий фойдаланишга интиланам ва ҳамкасбларим, соҳа ходимларини шунга даъват этаман.

"Эл соғлиги - юрт бойлиги" деган ибора фақатгина широбоп, қиройил сўз эмас, балки ҳаётда ўз тасдиғини ва амалиётини топаётгани жуда қувонarli ва таҳсинга лойиқ ҳолдир. Бунда ўз касбининг фидойиси бўлган шифокор мутахассисларнинг меҳнати бекиёс аҳамиятга эга. Мен севимли нашримиз "Qishloq hayoti" орқали туманимиздаги эл саломатлиғи йўлида туну кун меҳнат қилаётган тиббиёт соҳаси ходимларига миннатдорчилик билдиришни лозим топдим.

Муроджон АЗИЗОВ, Ўзбекистон Журналистлар Икхидий уюшмаси аъзоси. Наманган вилояти

Йил дастури амалда

Кейинги пайтларда шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар, маданий-маиший биналар, савдо шохбачалари қурилиши кўпайиб кетди. Бу борадаги талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олаётган қўлаб хўжалик юритувчи субъектлар маҳаллий ҳомишлардан фойдаланган ҳолда қурилишбop материяллар тайёрлашга киришдилар. Уларнинг келгуси фаолиятларини акс эттирувчи лойиҳалари банклар мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, моддий кўмак беришга тавсия этилмоқда. Шу мақсадда тўққиз ой ичида тадбиркор ва ишбилармонларга 1 миллиард 416 миллион сўм кредит тақсимилади. Шу тўғрисида Ўзбекистон, Бешарик туманлари, Қувасой шаҳридаги қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирма ва корхонанинг ўз соҳаларини дадил ривожлантириб, эл-юртга танилиб қолди. Бу корхоналарда 181 киши доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

— Юқорида келтирилган ўтган соҳа ва тармоқлар жамоаларининг бундан бундан ҳам узлуксиз, бир маромда барқарор ишлашларини таъминлаш бизнинг ҳам эътиборимизда бўлади, — дейди Халқ банки Фаргона вилояти худудий филиали бошлиғи Соибжон Маърипов. — Бўлимларимиз келгусида бу жабҳадаги ишларнинг тўла-тўқис рўйиба чиқарилишига кўмаклашиш учун уларга кўпроқ кредит маблағлари ажратилишини доимий эътиборда тутиб, бу борадаги ички имконият ва ресурсларини қидириб топаётимиз. Ана шундай савдо-хўжалик тармоқлари билан вилоятда ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга муносиб ҳисса қўшишни режалаштирганмиз. Бевоуси тўла-тўқис келганда, пул маблағларининг банддан ташқари айланмасини қисқартирган ҳамада биринчи даражали тўловларни ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш вазифаларининг тўла-тўқис адо этилиши чораларини кўряпмиз.

Музаффар МАМАТКУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Фаргона вилояти

ларда 439 та янги иш ўринлари барпо этиш имконини берди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳам изчил амалга ошириб келинмоқда. Йилнинг 9 ойида қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш учун 28 та корхона, фермер хўжалиқларига жами 1 миллиард 541,6 миллион сўм кредит маблағлари ўтказиб берилди. Вилоятда бу йил паррандачи-

ларда иссиқхоналарни кўпайтириш, уларда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига бозорларда тўқинчилик ва арзончилик бўлишини таъминлаш учун бошланган ҳаракатда ҳам фазл қатнашиб келаяптилар. Банкинг Бағдод тумани бўлими томонидан "Шарқ юлдузи" агрофирмасига 17 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Фаргона шаҳридаги "Водий ниҳол умиди", "Фар Сад голиб" фермер хўжалиқлари

МИЛЛИАРДЛАР — ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА

Бу — маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда



ҳам банк бўлимлари жуда катта ёрдам кўрсатдилар. Корхона, ташкилот ва муассасаларга шу мақсадда 38,5 миллион сўмлик кредит ажратиб берилди. Шунингдек, четдан насли қорамоллар келтириш соҳасидаги савий-ҳаракатлар ўз пайтида қўлаб-қувватланди, бу ҳайрига ишга 20 миллион сўм билан ҳисса қўшишди. Мини технология ва ихчам ускуналар харид қилишни режалаштирган тадбиркорлар 16 миллион ва бошқа соҳалар ишбилармонлари 352 миллион сўм кредит билан таъминландилар. Ажратилган ана шу каби маблағлар қишлоқ-

лик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалий ишларга киришилди. Бу ҳаракатдан Халқ банки ва унинг бўлимлари ҳам четда қолаётганлари йўқ. Утган ойлар ичида "Парранда" фермер хўжалиғи, Бешарик, Фаргона туманлари, Қувасой шаҳридаги хусусий тадбиркорлар — Улғабек Мамадалиев, Ҳикматилло Эшонқулов, Умиджон Каримов ва Шерали Акбаровлар 10 миллиондан 95 миллион сўмгача кредит олишиб, тармоқдаги ишларни анча жонлан-тириб юбордилар. Шунингдек, шаҳар ва туман-

10-50 миллион сўмдан кўмак олмаганлари тўғрисида бу йил ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтириб, маҳсулот етиштириш саломатини сезиларли кўпайтирдилар. Аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини янада юксалтиришга йўналтирилган банк маблағи бу йил ҳар қачонгидан ортди. Биргина мисол: "Муҳаммад Аюб транс" хусусий корхонаси банкнинг Қувасой шаҳар бўлимидан олган 212 миллион сўм кредит ҳисобига 4 та "ISUZU" автобуси харид қилиб олди. Замонавий транспорт воситалари чекка қишлоқлар аҳоли-

риш ва сутни қайта ишлаш тармоқлари ташкил этишга 2 миллиард 204 миллион сўм маблағ йўналтирилгани бўлди. Шу ҳисобга 162 та янги иш ўринлари яратилди. "Помир плюс Акмал", "Ўқи Алимардон Нозим Мирзо", "Илҳом-72", "Фар Медиа Класс", "Олтин бошқоқ Сада" сингари ўндан ортик МҲЖ, фирмалар ва хусусий тадбиркорлар кредит маблағлари звазига замонавий асбоб-ускуналар харид қилишиб, янги технологиялар неғизда сифатли, хариддоригр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаряптилар.

Халқ банкнинг Фаргона вилояти худудий филиали ва унинг шаҳар, туман бўлимлари кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уй-жойлар қурилиши кўпайтириш, етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш тармоқларини кўпайтириш юзасидан мижозлар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларини изчил ўрганиб чиқаришлар. Шу асосда бу соҳаларга кўпроқ кредит маблағлари ажратилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг шу йил бошидаги "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда банк бўлимлари томонидан ажратилган 5 миллиард 426 миллион сўм кредит маблағи шу соҳалар билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ихтиёрига йўналтирилди. Натижада шаҳар ва туманларда қўлаб савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари қуриб битказилиб, ишга туширилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш фирмалари, корхоналар биналари қурилиб, асбоб-ускуналар билан таъминланди ва улар ўз фаолиятларини бошладилар. Банкинг моддий кўмаги тўғрисида йилнинг ўтган тўққиз ойида 592 киши ўз иш жойларига эга бўлдилар.

Президентимизнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастури тўғрисида"ги қарорига асосан қишлоқ худудларида тадбиркорлик йўналишини қўлаб-қувватлаш мақсади учун бўлимлар бўйича 1 миллиард 806 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағ асосан туманлардаги ўзларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган, истиқболли лойиҳаларини тақдим этган тадбиркорларга берилди. Жумладан, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 435 миллион, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга 164 миллион, иссиқхоналар қуришга киришган тадбиркорлик субъектларига 363,5 миллион, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклаш билан шуғулланувчи корхоналар ташкил этишга киришган мулкдорларга 55 миллион сўм кредит берилди. Йилнинг ўтган ойларида қишлоқ жойларига қансаначиликни ривожлантиришга

ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Тадбирда хорижий ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодидеги, хусусан, "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонага сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, қончилик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғи, фармацевтика каби қўлаб соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сийсий ва иқтисодий барқарорлик янги ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

— Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — дейди Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао. — "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонада ишбилармонларнинг эркин ва фаол иш юритиши учун барча қулайликлар яратилганига яна бир бор амин бўлишимиз. Ўзбекистон юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқда. Айниқса, савдо ва саноат соҳалари жадал ривожланмоқда. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ўз вақтида ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилган иқтисодий дастурлар самарасида Ўзбекистон жажон молиявий-иқтисодий инқирозидан деярли зарар қурмади. Ушбу халқаро конференцияга дунёнинг етакчи молия муассасаларида қўлаб вакиллар ташриф буюргани Ўзбекистон иқтисодийнинг барқарор ривожланаётгани ҳамда бу ерда муваффақиятли фаолият юритиш учун барча имкониятлар яратилганидан далалатдор. Юртингизда бошқа соҳалар қатори таълим жабҳасида ҳам амалга оши-

риллаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида аҳолининг интеллектуал салоҳияти муттасил юксалмоқда. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларни кенг қўлаб-қувватлайди. Мехмонлар "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонада яратилган қулай сармоявий муҳит ва имкониятлар, қўшма сармояларнинг истиқболли, мавжудлик, юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишидилар.

Конференция доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда чет эл ишбилармон доиралари вакилларининг кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиш, мавжудларнинг янада мустаҳкамлаш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Анжуман якунида мамлакатимиз корхоналари билан хорижий компаниялар ўртасида нефть-газ, ёқилғи-энергетика, фармацевтика, энгил саноат, тўқимачилик, озиқ-овқат ва кимё саноати, электротехника, машинасозлик каби қўлаб соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азизов сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлисида адлия органлари ва муассасаларининг 2009 йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширган ишлари муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат мажлисида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида алоҳида қайд этилган, дейди А.Мақсудов. Айнан ана шу ҳужжат жорий йил бошидан бундан фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда. Қолаверса, шахсан ўзим ота касбининг давомчилиги сифатида шифокорлик фаолиятим билан фаровонлигимизда соҳамиз ривожини унинг амалқилларидан умумий фойдаланишга интиланам ва ҳамкасбларим, соҳа ходимларини шунга даъват этаман.

ҚОНУН УСТУВОРАЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий қўлаб амалиёти соҳаси фаолияти таҳлил этилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида адлия органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 21 минг 500 дан ортик мурожаатлар қўриб чиқилди. Шундан 71 фойизга яқини қаноатлантирилди.

Аҳолини ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот бўйича ўтказилган тадбирлар самараси хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу борада айрим вилоятларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилаётганлиги танқид остига олинди. Шунингдек, маркази ва маҳаллий ОАВда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси билан боғлиқ материалларни қўпайтириш ва еритиш, мақолаларнинг мазмун-моҳиятини кучайтириш юзасидан

тизимда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат мажлисида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида алоҳида қайд этилган, дейди А.Мақсудов. Айнан ана шу ҳужжат жорий йил бошидан бундан фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда. Қолаверса, шахсан ўзим ота касбининг давомчилиги сифатида шифокорлик фаолиятим билан фаровонлигимизда соҳамиз ривожини унинг амалқилларидан умумий фойдаланишга интиланам ва ҳамкасбларим, соҳа ходимларини шунга даъват этаман.

Шартномавий муносабатларни тартибга солиш мақсадида худудий бошқармалар ходимлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида жами 584 мингдан ортик шартномаларнинг тузилишида иштирок этганлиги таъкидланди.

Ингиллашди, шунингдек, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритишдаги мавжуд ижро ҳужжатларининг ижроси масаласи муҳокама этилди ва бу борадаги вазифалар белгиланди.

Ҳуқуқимиз томонидан ижро интизомини таъминлашга қаратилган вазифалар ижросини бажариш юзасидан Адлия вазирлигида тузилган ички гуруҳи ҳисоботи ҳам тингланиб,

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Қўшма корхонамиз асосан томат пастаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда 32 нафар киши, асосий мавсумда эса юз нафар ишчи меҳнат қилади.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА

Бу билан биринчидан, қишлоқимиздаги одамларни икхидий фойдали меҳнатга тортсак, иккинчидан, ички бозорни, яъни Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларидаги истеъмолчиларни маҳсулот билан таъминлаймиз.

Корхонамиз 2003 йилда ташкил этилган. 2004 йилда 150 тонна маҳсулот ишлаб чиқаргандик. Кейинги йилларда ер майдонимиз кенгайиб, сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ортиб борди. 2006 йилда ҳар гектардан 200 центнердан ҳосил олган бўлсак, 2007 йилда эса бу кўрсаткич 300 центнерни ташкил этди. Биргина ўтган йили 40 миллион сўм соф фойда олдик. Фондирнинг "Риязганда", "Финиш", "Саларис" навлари иссиқда чидамли бўлиб, мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини кўрсатаётди.

Жорий йилда соф фойдани 50 миллион сўмга етказмоқчимиз. Ишни ташкил этишда "Қувасой кварц" МҲЖдан ишлаб чиқариш, Самарқанднинг Тойлоқ туманидан ёпқичларни, ёрликларни эса Тошкентдан оляпмиз. Зокир Хайруллаев, Узок Бозоров, Тамара Саидова, Собир Ибрагимов каби ходимларимиз жамоанинг фаҳри.

Зиммаизнинг бунча ва масъулият қанча. Қўшма корхона фаолиятини янада кенгайтириш йўлида излашлар олиб боряпмиз. Яқинда Хитой давлатидан замонавий асбоб-ускуналар келтиришни мўлжаллапмиз. Бу эса янги ишчи ўрни яратиш, корхона экспорт имкониятларини ҳам юзага келтиради. Натижада Маймаоқ ёрлиғи билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорни тўлдирди.

Олим ХОЛМУРОДОВ, Касби туманидаги Маймаоқ агросаноат Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари. Қашқадарё вилояти

СИФАТИ ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

— Мана бу конфетларни қаранг, кўринишидан сифати яхшига ўхшайди, — тўй тараддуида бозорнинг ширинликлар растасини оралаётган Нозима ёнидаги овсинига юзланди.

— Ҳа-я, жуда бежирим, четники-ёв, — унинг фикрини маъқуллади Зухраҳон. — Опалар, бу ўзимизнинг Ўзбекистонда — Юқори Чирчиқ туманида ишлаб чиқариляпти, — сотувчи қиз уларга конфетлардан узатди. — YR YOUNG YANG қўшма корхонасиники. — Ундай бўлса, ҳар хилидан икки килограмдан тортиб беринг, — хўжалик сумкасини ҳозирлашга тушди Нозима.

вожлантириш билан боғлиқ катта ўзгаришлар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Шу муносабат билан икки давлат ишбилармон доиралари вакил-

лари иштирокида бўлиб ўтган қонун операцияси биржа ҳам келажакда, шерикликда манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки



Ўзбекистонда қўшма корхоналар очилиш, давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш учун барча йўллар очик, имкониятлар кенг. Корхонамиз мисолида гапирадиган бўлсак, ўтган бир ярим ой ичида 20 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик. Ҳозирча бу маҳсулотларни ички бозорда улгуржи савдога чиқаряпмиз. Бугунги кунда корхонада 20 киши меҳнат қилаётган бўлса, йил охиригача 1,5 миллион АҚШ доллари ҳисобида компьютерлаштирилган янги ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилган, ишни икки сменада ташкил этиб, 50 та янги иш ўрни яратамиз.

Мен тадбиркорлик соҳасини шундай тушунаман: савдо қилувчи билан ишлаб чиқарувчи ўртасида катта тафовут бор. Демократик, соҳа ривожига ишлаб чиқарувчининг ҳиссаси кўпроқ. Чунки у эртанги кунни ўйлайди, бозорни ўрганади ва шунга қараб иш олиб боради, изланади. Жаноб Ким Джонг Кю сўзват жараёнида Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини янада

Мунаввара ИСОКУЛОВА Тошкент вилояти

